

Тайлоқов А., Тиркашева М., Тўйназарова И.

ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТ МУҲОФАЗАСИ



Экология ва табиатдан фойдаланиш, Экология ва Атроф муҳит муҳофазаси
бакалаврият мутахассислиги талабалари учун

Битирув малакавий ишлари ва курс лойиҳаларини бажариш бўйича

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Жиззах – 2012

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**ЭКОЛОГИЯ ВА АТРОФ МУҲИТ
МУҲОФАЗАСИ**

“Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” кафедраси

Экология ва табиатдан фойдаланиш, Экология ва Атроф муҳит муҳофазаси
бакалаврият мутахассислиги талабалари учун

Битирув малакавий ишлари ва курс лойиҳаларини бажариш бўйича

МЕТОДИК ҚЎЛЛАНМА

Жиззах – 2012

Методик қўлланма Жиззах политехника институти “Автотранспорт” факультетининг илмий услубий кенгашида муҳокама этилилан ва тасдиқлаш учун институт илмий услубий кенгашига тақдим этилан.

Ушбу методик қўлланма Жиззах политехника институти илмий услубий кенгашининг “_____” _____ 2012 йил _____ сонли қарори билан тасдиқланган ва чоп этишга тавсия этилан.

Методик қўлланма “Экология”, “Табиатни муҳофаза қилиш ва ундан оқилана фойдаланиш”, “Токсикология”, “Ресурслардан қайта фойдаланиш технологияси”, “Сув ҳавзаларининг санитар ҳолати” ва “Шаҳар экологияси” фанлари дастури асосида ёзилган бўлиб, унда экология соҳасида битирув малакавий ишлари ва курс лойиҳаларини бажариш бўйича ҳисоб-китоб, график ва тушунтириш ишлари ёритилган. Қўлланма “Экология ва табиатдан фойдаланиш”, “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” бакалавриат йўналишлари талабалари учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

М.Б.Тиркашева б.ф.н.
А.А.Тайлоқов ассистент
И.А.Тўйназарова ассистент

Тақризчилар:

Холбоев У.Х. т.ф.н. - Жиззах политехника институти “Мухандислик коммуникациялари” кафедраси доценти.

Сафаров И.Қ. – Жиззах вилояти табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси раиси ўринбосари

КИРИШ

Табиатдаги экологик ҳолатнинг бузилиши – тупроқни, ҳавони, сувни тириклик учун зарарли турли моддалар билан ифлосланиши, заҳарланиши, ўсимлик ва ҳайвонларнинг фойдали турлари камайиб кетиши, ўтлоқзорларнинг шўрланиши, тўқайзорлар, тоғ ён бағирларидаги бута ҳамда дарахтлар кесилишига олиб келади. Бу каби ҳолатлар аҳоли ўртасида атроф-муҳитни сақлаш, табиатни муҳофаза қилиш ҳозирги куннинг энг оламшумул вазифаларидан бўлиб қолишини исботлади.

Инсонни ўраб турган атроф-муҳитни XXI асрнинг энг долзарб муаммоларидан бўлиб қолди. Сабаби шундаки, илмий техника инқилоби турли фанлар эришган ютуқларнинг натижаси бўлиб, табиий ресурслардан муддатли фойдаланишга имконият яратди. Бу эса, ўз навбатида жамиятнинг ишлаб чиқариш кучларини ривожлантириб, моддий ва маънавий эҳтиёжини қондиришга шарт-шароит туғдиради.

Аммо илмий техника инқилобининг тез суръатлар билан ривожланиши жамият билан табиат ўртасидаги, инсон билан уни ўраб турган муҳит ўртасидаги ўзаро муносабатларни мураккаблаштириб, биосферадаги экологик жараёнларни бошқаришда кутилмаган ўзгаришларни келтириб чиқармоқда. Кўпинча, бу муносабатларнинг ўзгариши сув, атмосфера, тупроқ ва бошқа табиий унсурларнинг жуда тез турли чиқиндилар билан тобора ифлосланиб боришига олиб келмоқда.

Атмосфера ҳавосини саноат ва ишлаб чиқариш корхоналаридаги турғун манбалардан ва транспорт воситаларидан чиқаётган ифлослантирувчи моддалар билан, табиий муҳитнинг оқова сувлар ва чиқиндилар билан ифлосланиш даражасини ўрганиш, ифлослантирувчи моддаларни камайитириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш экологик муаммоларнинг ечимини топишда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мазкур қўлланма “Атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги экологияга оид фанларнинг намунавий дастурлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси корхоналарида атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни атмосферага ташлаш меъёрини аниқлаш йўриқномаси”га асосан ишлаб чиқилган. Қўлланмада лойиҳаларни тайёрлаш бўйича асосий тушунчалар, ҳисоб-китоб ишлари, график ва жадваллар келтирилган. Талабалар назарий олган билимларига таянган ҳолда битирув малакавий ишлари ва курс лойиҳаларини бажариш имкониятига эга бўлади.

I. БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШЛАРИ

1. Битирув малакавий ишлари мавзулар:

1. Асфальт бетон ишлаб чиқариш корхоналаридаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси, манбалардан табиий муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилаётган чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари ва ифлослантирувчи моддарни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёри.

2. Пахта тозалаш корхоналаридаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси, манбалардан табиий муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилаётган чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари ва ифлослантирувчи моддарни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёри.

3. Дон маҳсулотлари корхоналаридаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси, манбалардан табиий муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилаётган чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари ва ифлослантирувчи моддарни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёри.

4. Ёғ-мой ишлаб чиқариш корхоналаридаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси, манбалардан табиий муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилаётган чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари ва ифлослантирувчи моддарни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёри.

5. Сиқилган ва суюлтирилган газ тўлдириш шахобчаларидаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалар инвентаризацияси, манбалардан табиий муҳитга ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, жойлаштирилаётган чиқиндиларни камайтириш чора-тадбирлари ва ифлослантирувчи моддарни ташлаш ва чиқиндиларни жойлаштириш меъёри.

2. Умумий қоидалар

Ушбу қўлланмада қуйидаги атамалардан фойдаланилди:

Ифлослантирувчи моддаларни (пайдо қилувчи) ажратувчи манбалар – ифлослантирувчи моддаларни пайдо қиладиган объект (жиҳоз, ускуна, қурилма, сақловси идиш, чиқинди уюми);

Атмосферани ифлослантирувчи манбалар (чиқарувчи манба) – ифлослантирувчи моддани атмосферага чиқарувчи объект (кувур, вентиляция шахтаси, аэрация фонари, транспорт тўхташ очиқ майдони);

Турғун (қўзғалмас) манба – маҳаллий координата тизимига нисбатан фазода ўзгармас ўринга эга бўлган манба (қозонхона мўриси, цехнинг очик фрамугалари);

Ташкил қилинган манба – ифлослантирувчи моддаларни махсус барпо қилинган қурилмалар орқали чиқарадиган манба (қувурлар, газ йўналтирувчилар, вентиляция шахталари);

Ташкил қилинмаган манба – газ ва газ оқимларини тартибсиз чиқарувчи манба (жиҳозлар берклиги, бузилиши, маҳсулотлар (ёқилғи)ни юклаш, тушириш ёки сақлаш жойларида газ (чанг) сўрувчи тизимнинг ишламаслиги ёки самарасиз ишлаши, шунингдек, чангланувчи уюмлар, очик сиғимлар, транспорт сақловчи жойлар, бўяш ишларини амалга ошириладиган майдон);

Рухсат этилган чегаравий улуш (РЭЧУ) – бу зарарли моддаларнинг муҳитдаги шундай меъёрий улушики, кишилар доимий ёки маълум вақт оралиғида унинг таъсирида бўлганларида уларнинг соғлигига зарар етмайди ва атроф муҳит компонентларига салбий таъсир кўрсатмайди.

Рухсат этилган чегаравий чиқарилма (РЭЧЧ) – мазкур манбадан вақт бирлиги ичида чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг инсон ва атроф муҳит учун белгиланган чегаравий рухсат этиладиган меъёрларидан (квота) ошмайдиган, ер усти улушини шакллантирувчи массани ўрнатувчи экологик меъёрий қиймат;

Квота – инсон ва атроф муҳитга таъсирини ҳисобга олган ҳолда, корхона жойлашган (ҳудуд) район учун ҳисобланган, атмосферанинг ер усти қатламидаги рухсат этиладиган миқдор меъёри;

Ялпи ташлама – корхонанинг бухгалтерлик ёки бошқа турдаги ҳисоботларида кўрсатилган, ифлослантирувчи моддаларни ажратувчи манбанинг ўртача йиллик фойдаланиш қуввати ва вақтидаги, жумладан, хом-ашё, ёқилғи материаллардан фойдаланганида чанг-газ-тозалаш жиҳозларининг ўртача йиллик самарадорлигидаги, атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг (тонна/йил, т/йил) миқдори;

Максимал бир марталик чиқарилма – атмосферага чиқариладиган ифлослантирувчи моддаларнинг грамм/секундларда ифодаланган, жиҳознинг лойиҳавий қувватда эксплуатация қилиниш шароитида, технологик жараён бузилиши билан боғлиқ бўлмаган ва 20-30 минут вақт оралиғида олинган намуна бўйича аниқланувчи миқдори;

Солиштирма чиқарилма – ишлаб чиқариладиган маҳсулот бирлигига, фойдаланаётган хом-ашё, корхона қуввати, ишлаш вақтига тўғри келадиган корхонанинг аниқ манбасидан чиқариладиган ифлослантирувчи моддалар миқдори;

Санитария-химоялаш зонаси (СХЗ) – кимёвий зарарли моддаларнинг ер юзидаги улуши тарқалишини, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан ўрнатилган меъёр даражасини таъминловчи, корхона ва аҳоли яшайдиган жойлар оралиғида махсус ажратилган фазовий кенглик ва ўсимликлар зонаси (ҳудуди).

3. Инвентаризация ўтказиш тартиби

Чиқарилмаларни инвентаризация қилиш — корхона ҳудуди бўйича чиқарувчи ва қўзғалмас ажратувчи манбаларнинг жойланиши (тарқалиши), ифлослантирувчи моддалар таркиби ва миқдори ҳақидаги маълумотларни тизимлаштириш бўлиб, РЭЧЧ ўрнатишнинг биринчи босқичи ҳисобланади.

Инвентаризация қуйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи корхоналарнинг давлат ҳисобини ташкиллаштириш;

б) атмосферага ифлослантирувчи моддаларни ажратувчи ва чиқарувчи манбаларнинг кўрсаткичларини аниқлаш;

в) атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи моддаларнинг РЭЧЧ меъёрини ишлаб чиқиш учун дастлабки маълумотларни аниқлаш;

г) корхонада фойдаланадиган технология ва материалларнинг экологик таъсирларини баҳолаш;

д) корхоналарнинг чанг-газ тозаловчи жиҳозлари ва бошқа ҳаво муҳофазаси тадбирлари самарадорлигини аниқлаш;

е) атмосфера ҳавосини зарарли моддалар билан ифлосланишдан муҳофаза қилиш тадбирларини аниқлаш.

4. Корхона ҳақида умумий тушунча бериш

Ишлаб чиқариш ва саноат корхоналари жойлашган манзили, умумий ва бошқа ер майдонлари ҳақида, атрофида жойлашган объектлар ва аҳоли пунктининг қанча масофада узоқлиги тўғрисида маълумотлар ёритилади.

Корхонадаги ифлослантирувчи моддалар ҳосил қилувчи манбалардан ҳосил бўлган моддаларнинг атмосфера ҳавоси таркибидаги миқдори корхона чегарасида (ПДК) яъни ташланадиган ифлослантирувчи моддаларнинг рухсат этилган сиғимига нисбатан солиштирилиши кўрсатилади.

Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш фаолияти, қайта ишланган ва ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳақидаги маълумотлар келтирилади.

Корхонанинг иш режими, фаолият кўрсатаётган ишчи ходимлар сони ёзилади.

Корхона жойлашган ҳудуднинг рельефи текислик, жойнинг рельеф таъсир коэффициенти ҳамда корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумоти ва коэффициентлари жадвалда кўрсатилади.

4.1.Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумотлари.

Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумотлари тўлиқ характерланади:

- Ёзнинг энг иссиқ ойларига тўғри келадиган энг куп иссиқ тарқатадиган соатлар ёки кутилаётган миқдорнинг неча фоиз ташкил қилиши кўрсатилади.

- Корхона жойлашган ҳудуднинг 4 та томондан келадиган шамол эсиш фоизи, иқлим шароити бўйича тоифаси аниқланади.

Корхона жойлашган ҳудуднинг метеорологик маълумотлари ва коэффициентлари

4.1.1. жадвал

№	Маълумотлар Номи	қиймати
1	Ўрта Осиё шароитида зарарли моддаларнинг ноқулай об-ҳаво шароитида энг кўп миқдорини белгиловчи регионал коэффициент, А	200
2	Жойнинг рельефига боғлиқ коэффициент	1
3	Йилнинг энг иссиқ ойидаги ўртача йиллик энг юқори температура, T ⁰ C	+34,4
4	Йилнинг энг совуқ ойидаги ўртача йиллик энг паст температура, T ⁰ C	-3,8
5	Шамол йўналишининг йиллик ўртача миқдори фоиз ҳисобида, румбаларда	
	Шимол	19
	Ш.Шарқ	11
	Шарқ	7
	Ж.Шарқ	5
	Жануб	7
	Ж.Ғарб	12
	Ғарб	17
	Ш.Ғарб	22
6	Йиллик ёғингарчилик миқдори, мм	436
7	Шамолнинг ўртача йиллик тезлиги, м/с	3,7

5.Объектнинг табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалари тўғрисида маълумотлар.

5.1. Ишлаб чиқаришнинг табиий муҳитни ифлослантириши жихатидан қисқача технологик маълумотлари.

Ишлаб чиқариш ва саноат корхоналарида табиий муҳитни ифлослантириши, ифлослантирувчи моддаларни камайтириш чоратадбирларини белгилашда битирув малакавий ва курс ишларинир бажаришда, ишлаб чиқаришнинг технологик кетма-кетлигини ёритишда корхонадаги мавжуд цех ва бўлимлар аниқланади. Пахта тозалаш корхоналари бўйича:

- Пахта хом ашёси қабул қилиш пункти (бунтлар);
- Узатиш бўлими (перевалка);
- Ёпиқ омборхоналар;
- Қуриштиш бўлими;
- Тозалаш бўлими;
- Бош бино;
- Пресслаш бўлими;
- Тайёр маҳсулот омбори;
- Чигит омбори (эстакада);
- Устахона;
- Тарозихона.

Кейинги навбатда ишлаб чиқариш цех ва бўлимлардаги табиий муҳитни ифлослантирувчи иншоат, ускуна ва қурилмалар, уларнинг ишлаш вақти, улардан табиий муҳитга, яъни атмосферага ташланаётган ифлослантирувчи моддалар, табиий муҳитга жойлаштирилаётган чиқиндилар тури аниқланади.

Ўтган ҳисобот даврида қанча миқдорда маҳсулот қайта ишланган, маҳсулотни қайта ишлаш натижасида қанча маҳсулот олинган, қанча миқдорда ва неча хил турда чиқиндилар ҳосил бўлганлиги қайд этилади.

Корхонада табиий муҳитни ифлослантирувчи нечта манба мавжудлиги, улар тўғрисида маълумот, яъни ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган манбалар эканлиги, уларнинг чанггаз тозалаш ускуналари билан жиҳозланганлиги кўрсатилади.

Корхоналардаги табиий муҳитни ифлослантирувчи манбалардаги ускуна, жиҳоз ва қурилмалар ҳамда уларнинг чанггаз тозалаш ускуналари билан жиҳозланганлиги қуйидаги жадвалда кўрсатилади:

**Пахта тозалаш корхоналаридаги чанггаз тозалаш ускуналари (ЧТУ)
ва бошқа қурилмалар тўғрисида қисқача маълумот**

5.1.1. жадвал

т/р	ЧТУ ва бошқа қурилмалар русуми, номи	сони	тозалаш самара дорлиги %
1	2	3	4
Пахта хом ашёсини қабул қилиш бўлими			
1	Узатувчи мослама (транспортёр)лар 16x0,62	12	
Ёпиқ омборхоналар ва узатиш хом ашё узатиш бўлими			
2	Узатиш ускуналари (перевалка)	2	
Қуритиш бўлими			
3	Қуритиш барабани 2 СБ-10	2	
4	ИИЧ 1,9 генератори	2	
5	Шахта	2	
Тозалаш бўлими			
6	СС-15 сепараторлар	2	
7	ХК тозалаш ускуналари	10	
8	УХК универсал пахта тозалаш ускуналари	3	
9	ХК тозалаш ускуналари	8	
10	Чанг тозалаш ускуналари (ЧТУ) Ц-6	8	
Бош бино			
11	5 ДП-130 жинлаш ускуналари	2	
12	5 ЛП	12	
13	Чанг тозалаш ускуналари (ЧТУ) Ц-6	3	
Пресслаш (тойлаш) бўлими			
14	Пресс ДА 8237	2	
15	Чанг тозалаш ускуналари (ЧТУ) Ц-6	2	
Устахона			
16	Аррага тиш чиқарадиган қурилма	2	
17	Токарлик қурилмаси	1	
18	Электропайвпандлаш қурилмаси	2	
	Жами	77	

Корхонадаги атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалардан ташланадиган ифлослантирувчи моддалар тури (сони), ялпи миқдори (тн/йил), ингдриентлар бўйича кўрсатилади. Мисол:

Пахта чанги – 136,58 тн/йил, 97,24 %;
 Углерод (карбон)оксиди – 3,1 тн/йил, 2,21 %;
 Азот оксиди – 0,596 тн/йил, 0,424 %;
 Бензапирен – 0,000026 тн/йил, 0,00002%;
 Металл чанги – 0,171 тн/йил, 0,13 %;
 Пайванд чанги – 0,0086 тн/йил, 0,006 %;
 Марганец оксиди – 0,0012 тн/йил, 0,0009 %;

Жами ифлослантирувчи моддаларнинг қаттиқ, газ ва суюқ моддалар миқдори алоҳида қайд этилади.

АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНДИГАН ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР МИҚДОРНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ ҚУЙИДАГИЧА:

5.1.2. жадвал

№	Номи	Тн/йил	%	Манбалар сони.
1	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари	140,276026	99,87	17
2	Ёрдамчи иншоотлар	0,1808	0,13	2
	ИТОГО	140,456826	100	19

6.Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш усули.

6.1. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг морфологик параметрларини аниқлаш.

Атмосферани ифлослантирувчи манбаларнинг морфологик параметрларига баландлиги ва уст қисмининг диаметри киради. Манба уст қисмининг диаметри ўлчов лентаси ёрдамида ўлчаш орқали аниқланади. Диаметр қуйидаги формула орқали ҳисобланади:

$$D = P/3,14$$

Бу ерда: D – манба уст қисми диаметри;

P – устки қисм периметри;

Ташкиллаштирилган манбаларнинг баландлиги ўлчаш орқали аниқланади. Горизонт ва оғиш бурчаги ўртасидаги фарқ оғиш бурчагини ўлчаш асбоби ёрдамида аниқланади. Манба баландлигини ўлчашда қуйидаги формуладан фойдаланилади:

$$H = X \times \operatorname{tg} \alpha, \text{ бу ерда}$$

H – манба баландлиги;

X – манба қувури асосидан ўлчанаётган нуқта орасидаги масофа;

tg – горизонт текислиги ва қувур устки қисми орасидаги оғиш бурчаги.

Манбаларни ҳисобга олишда ишлаб чиқаришнинг технологик ва кетма-кетлик жараёнлари урганилди. Бундан ташқари фойдаланилган материаллар тўғрисида ҳисобот олинди.

Манбаларни ҳисобга олишда уларнинг маълумотлари, яъни ташкиллаштирилган ёки ташкиллаштирилмаган манба эканлиги ўрганилади. Манбаларнинг ҳақиқий ишлаш вақти, уларнинг чанггаз тозалаш ускуналари билан жихозланганлиги ва самарадорлиги аниқланади.

6.2. Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларнинг динамик параметрларини аниқлаш.

Атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбаларнинг динамик параметрларига манбанинг устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги ва ҳажми киради. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг тезлиги микрометр ёрдамида ўлчанади ва динамик ҳамда статистик босимлар орқали тўғриланади. Манба устки қисмидан чиқаётган чанггаз аралашмасининг ҳажми эса қуйидаги формула ёрдамида аниқланади ($V = \text{м}^3/\text{сек}$):

$$V = W \times S, \text{ бу ерда:}$$

W – чанггаз аралашмасининг тезлиги, м/сек.

S – манба устки қисмининг кўндаланг кесим юзаси, м^2 .

Ҳажм аниқ бўлган ҳолатларда тезлик қуйидаги формула орқали аниқланади:

$$W = V / S = 4 V / \pi D^2$$

7. Асфальт бетон тайёрлашда асфальт аралаштиргич қурилмаларида пайдо бўладиган ифлослантирувчи моддалар

Минерал материаллар омборхона ёки майдалаш цехидан транспортерлар тизими ёрдамида элеваторга узатилади ва бўшатиш қутиси (бункер) орқали қиздириш барабанига тўкилади.

Минерал материалларни айланувчи барабанларда қуришти табиий ёкилғи (кўмир, мазут, дизел ёкилғиси, табиий газ)ларни ёкишдан олинадиган ёнувчи газлар ёрдамида амалга оширилади.

Қурилган ва маълум ҳароратгача қиздирилган минерал материаллар фракциялар бўйича ажратиш учун саралаш элакларига узатилади ва тайёрланаётган асфальт бетон турига қараб қизиган бункернинг бўлимларига тарқалади. Сўнгра, маълум миқдордаги материал ва битум бир пайтнинг ўзида аралаштиргичга узатилади ва унга аниқ миқдордаги минерал кукуни қўшилади. Барчасини аралаштириш тугагач. Тайёр асфальт бетон массаси омборхона ёки қурилиш майдонига кетадиган автотранспортларга бўшатилади.

Инерт материалларни сапқлаш омборидан (минерал материалларни тўкиш, қайта тўкиш, тўплаш ва кўчириш) бошлаб тайёр маҳсулотни фойдаланишга узатишгача бўлган барча технологик жараёнлар ноорганик чанг ажралиб чиқиши билан амалга ошади.

Ҳисоблаш услублари

Асфальт бетон заводларининг ифлослантирувчи моддалари чиқарилма манбаларини инвентаризация қилишда ялпи чиқарилмаларнинг таркибий қийматини солиштирма кўрсаткичлари бўйича ҳисоблаш мумкин.

Асфальт аралаштиргич қурилмаларидан чангли чиқарилмалар

Асфальт аралаштиргич қурилмаларидан чангли чиқарилмалари қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{3,6 \text{ g T}}{10^3} \text{ т/йил}$$

Бу ерда g – чангли чиқарилмаларнинг солиштирма кўрсаткичи, г/с, 7.1. жадвалдан қабул қилинади ёки қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$g = V \cdot C_1 \text{ (г/с),}$$

V – вақт бирлиги ичида чиқариладиган газнинг ҳажми, м³/с;

C₁ – тозалашгача чиқарилаётган газдаги чангнинг концентрацияси, г/м³ (7.1. жадвал);

T – технологик жиҳознинг ишлаш давомийлиги, соат/йил.

Тозалангандан сўнг чиқарилаётган газдаги чангнинг концентрацияси, куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$C_2 = \frac{C_1 (100 - t)}{100} \quad (\text{г/м}^3)$$

t - чанг тутгич қурилмасида газ аралашмаларини чангдан тозалаш самарадорлиги, %.

Минерал матариаллар (қум, чақик тош, шағал)ни тасмали кўчиргич (транспортёр)ларда кўчиргандаги чангли чиқарилмалари

Минерал матариаллар (қум, чақик тош, шағал)ни тасмали кўчиргич (транспортёр)ларда 1 м. га кўчирганда чангнинг чиқарилмалари куйидаги формула бўйича аниқланади:

$$Q = W_c \quad (\text{г/с}),$$

W_c - чангнинг шамолда ажралиб чиқиш солиштирма кўрсаткичи, 3×10^{-5} кг/м² х с қабул қилинади.

- конвейр тасмасининг кенглиги, м;
- тоғ жинсининг майдалаш коэффиценти (роторли экскаваторлар учун = 0,1 м).

Хом ашё материалларини сақлаш, юклаш ва тушириш жараёнларида чанг чиқарилмалари куйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$Q = \frac{B \cdot g}{100} \quad (\text{т/йил})$$

Бунда g - коэффицент хом ашё материалларининг чанг кўринишидаги йўқолиши. ГОСТ 9128-84 га биноан ўлчамлари 0,5 мм бўлган чангсимон заррачаларнинг ўртача миқдори турли хил асфальт бетон аралашмаларининг минерал таркибида 21 % ни ташкил қилади, у ҳолда $g = 0,21$;

B – хом ашё материалларини сақлаш, юклаш ва туширишдаги сарфлар, тн/йил;

g – табиий йўқолиш меъёри, % (7.3.жадвалдан қабул қилинади).

Тозалаш қурулмасы самарадорлиги тақрибий кўрсаткичлари

7.2. жадвал

Тозалаш қурулмалари	Тозалаш самарадорлиги, %
НИИОГАЗ циклонлари	
ЦН-15	65-85
СДК-ЦН-33	75-90
СЦН-40	80-90
ДП-10-13 тутун сўргич-чанг тутгич	70-90
Батарейли циклонлар	85-90
Фильтр-циклонлар “ФГЦН”	90-95
“СИОТ” газюгич қурилмаси	75-85
Ротоклон	80-90
“Скруббер Вентури” газювгич қурилмаси	85-95

Портландцемент чангининг кимёвий таркиби

7.3. жадвал

Таркибий моддалар	Ҳоизлардаги миқдори
SiO ₂	28,0-73,1
CaO	52,0-69,0
Al ₂ O ₃	2,0-10,0
Fe ₂ O ₃	1,5-10,0
MgO	0,3-22,3
SO ₃	0,04-2,0
MnO	Излари
Cr ₂ O ₃	0,00001-0,001

Чангнинг фракцион таркиби

7.4. жадвал

Заррачалар ўлчами	0-5	5-10	10-20	20-40	40-60	60 дан кўп
Фоишларда ги микдори	7,6	9,0	23,0	22,6	15,1	18,5

Асфальт бетон заводи жиҳозларидан чанг ажралишининг солиштирма кўрсаткичлари

7.5. жадвал

ва Жиҳоз технологик жараён	материал	Сўриб олинадига н ҳаво ҳажми, н.м ³ /соат	Ажралаётган чангнинг ўртача массаси	Сўриб олинадиган ҳаво солиштирма ҳажми, н.м ³ /соат	Чанг аралаши шининг солишти рма кўрсатки чи, Кг/т
40 т/с қувватли элеватор	Чақиқ тош	900-1000	2,7-3,0	64-72	0,19-0,22
	Оҳактош	900-1000	2,7-3,0	64-72	0,19-0,22
	Йирик кум	700-900	0,7-0,9	50-64	0,05-0,07
	Майда кум	700-900	1,6-1,8	57-64	0,11-0,13
50 т/с қувватли элеватор	Оҳактош	3000-4000	9,0-12,0	60-80	0,18-0,24
	Йирик кум	2500-3700	2,5-3,7	50-75	0,05-0,08
	Майда кум	2700-3700	5,4-7,4	55-75	0,11-0,15

Унумдорлиги 3,0 т/соат бўлган Сито-бураг	Унумдорлиги 1,5 т/соат бўлган Сито-бураг	Ишчи юзаси 1 м ² бўлган тебранувчан, вибрацияли вибрацион элаклар	Ишчи юзаси 1 м ² бўлган тебранувчан, вибрацияли вибрацион элакл.	Унумдорлиг и 30 т/с гача бўлган бункер	Болғали майдалагич СМ-431 218	Унумдорлиги 5 т/с. гача бўлган тасмали транс ва конвейрлар
Оҳактош Қум	Оҳактош Тупрок	Қум	Қум	Оҳактош Оҳактош Чакік тош	Оҳактош Оҳактош	Оҳактош Қум
600-900 800-1000 5400-5800	260-300 480-520 700-800	2800-3000 3400-3600	1600-1800	1500-1600 1000-1200	3400-3600 2300-2500	640-750 750-840
1,5-2,2 16,0-20,0 28,6-30,7	0,6-0,8 9,6-10,3 1,4-1,6	14,0-21,0 34,0-46,3	8,0-12,6	1,5-1,6 7,0-8,4	82-108 57,5-75	2,5-3,0 1,5-1,7
					90-100 127-139	220-250 250-280
					2,1-2,8 3,2-4,2	0,83-1,0 0,50-0,57

Қайта тўқиш массаси	Улушловчи автоматлар	Ишчи бульдозер билан тозалаш	Учмайдонни Д-572	Унумдорлиги 170 т/соат майдалаш куриммаси	Унумдорлиги 170 м³/соат бўлган саралаш	Унумдорлиги 17 м³/соат гача бўлган грейферли кўприкли кранлар билан соч.матер.	Унумдорлиги 90 м³/соат гача бўлган билан сочилувчан материалиарни аралашт.ириш	Тупрок	0,069-0,078	
								Кум	0,09-0,11	
								Оҳактош	0,26-0,29	
								Цемент	0,26-0,29	
								Тупрок	0,083-0,1	
								Цемент	0,32-0,36	
								Кум	0,26-0,27	
								Оҳактош	0,31-0,36	
								Чақиқтош	(қурук) циклонларда тозалашда 40,8	
								Курук жинс	0,086	
								Цемент	1200-1300	1,8-2,6
								Керамзит	1000-1500	13,2-19,8

Коришма аралаштиргич лар	Цемент чанги	5500-6000	10,8-11,8
	Цемент чанги	1100-1300	1,7-2,1
Цемент сақлаш сигими	Цемент	880-1280	25,0-87,5
		3500-500	20,1-22,3

Ташкиллаштирилмаган манбаларни ҳисоблаш

Темирбетон ишлаб чиқаришда сочилувчан материаллар (қум, чақиқтош, оҳактош, цемент ва бошқалар) қўлланилганлиги сабабли деярли барча жараёнларда атмосферага чанг ажралиб чиқиши кузатилади.

Маҳаллий сўриш мосламалари билан жиҳозланмаган сочилувчан материалларни қабул қилиш, қайта қадоқлаш омборхоналари, тушириш ва юклаш тугунлари ташкиллаштирилмаган чиқарилма манбалари бўлиш мумкин. Цемент йўқолишининг ўртача солиштирма кўрсаткичи, 1 м² маҳсулот учун 2,14 кг ни ташкил қилади.

Тармоқдаги меъёрлар бўйича ташкиллаштирилмаган чиқарилмалар кўйидаги формула ёрдамида топилади:

$$Q = \frac{B \times Y}{100} \quad (\text{т/йил}),$$

В – ишлаб чиқаришга сарфланадиган материалларнинг йиллик миқдори, т;

У – табиий йўқолиш меъёри, %.

Йўл қурилиш материалларининг табиий йўқолиш меъёрлари 7.6. жадвалда келтирилган.

Йўл қурилиш материалларининг табиий йўқолиш меъёрлари

7.6. жадвал

Материал	Сақлаш тури ва таҳлил усули	Табиий йўқолишнинг тақрибий меъёри, %		
		омборхона	юклаш	тушириш
Чақиқ тош (жумладан қора қум)	Очиқ омборхона	0,5	0,3-0,5	0,3-0,5
	Механизациялашган усулда тахлаш амалга ошириладиган очиқ омборхона	0,75-1,5	0,4	0,5
Цемент тошли оҳак	Ёпиқ омборлар:			
	Силос туридаги	0,1	0,25	0,25
	Бункер ва омбор	1-1,5	0,25-0,75	0,5-0,75
	Вагонлар		0,2-0,4	0,85
Эмульсия	Ёпиқ турдаги омборлар ва резервуарлар	0,25-0,75	0-0,1	0,2 гача
Ёқилғи ва мойловчи материаллар	Ер ости омборлари ва ярим чуқурлаштирилган резервуарлар	0,25-0,75	0-0,1	0-0,1

Темирбетон буюмлари ишлаб чиқариш ва қурилиш материаллари саноатида омборларда материалларни тўкиш, қайта жўнатиш учун юклаш тугунлари, омборлардаги чангланувчи материаллар маҳсулотни юклаш тугуни, мослаштирилмаган транспорт, тўкилган ҳолда сақлаш, карьер транспорти ва бошқалар ташкиллаштирилмаган чиқарилмалар манбалари бўлишлиги мумкин.

Омбор ва сақлаш жойлари туридаги манбалар

Бу объектлар учун чиқарилманинг умумий ҳажмини қуйидаги тенглама орқали ифодалаш мумкин:

$$q = A + B = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_7 \times G \cdot 10^6 / 3600 + K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_6 \times K_7 \times q \times F \text{ (г/с)}.$$

A – материал қайта ишлаш (тўкиш, қайта жўнатиш, аралаштириш)даги чиқарилмалар, г/с;

B – материални тингч ҳолатда сақлашдаги чиқарилмалар;

K_1 – материалда чангли фракциянинг оғирлик бўйича ҳиссаси. Улчамлари 0-200 мкм бўлган чангли фракцияни элаш ва ювиш йўли билан аниқланади;

K_2 – чанг ҳиссаси (аэрозолга айланидиган чангларнинг массаси);

K_3 – маҳаллий метеорологик шароитни ҳисобга оловчи коэффициент, 7.7. жадвалдан олинади.

K_3 – катталигининг шамол тезлигига боғлиқлиги

7.7. жадвал

Шамол тезлиги, м/с	K_3
2 гача	1,0
5 гача	1,2
7 гача	1,4
10 гача	1,7
12 гача	2,0
14 гача	2,3
16 гача	2,6
18 гача	2,8
20 гача ва ундан зиёд	3,0

K_4 – чанг пайдо қилиш маҳаллий шароитини ҳисобга оловчи коэффициент, қиймати 7.8. жадвалдан қабул қилинади.

K_4 – катталигининг шамол тезлигига боғлиқлиги

7.8. жадвал

Маҳаллий шароит Омбор, сақлаш, тўплаш жойи	K_4
Очиқлари	
4 тарафдан	1
3 тарафдан	0,5
2 тарафдан тўлиқ ва 2 тарафдан қисман	0,3
2 тарафдан	0,2
1 тарафдан	0,1
Юкловчи қўлқоп	0,01
4 тарафдан ёпик	0,005

K_5 – материалнинг намлигини ҳисобга оловчи коэффициент, 7.9. жадвалдан олинади.

K_5 – катталигининг материал намлигига боғлиқлиги

7.9. жадвал

Материал намлиги, %	K_5
0-0,5	1,0
1,0 гача	0,9
3,0 гача	0,8
5,0 гача	0,7
7,0 гача	0,6
8,0 гача	0,4
9,0 гача	0,2
10 гача	0,1
10 дан зиёд	0,01

K_6 – сақланадиган материалнинг сирти профилини ҳисобга олувчи коэффициент ва $F_{\text{факт}}/F$ нисбати бўйича 1,3 – 1,6 оралиғида материалнинг йириклиги ва тўлдириш даражасига боғлиқ ҳолда қабул қилинади;

$F_{\text{факт}}$ – материалнинг ҳақиқий сиртининг кесими рельефини ҳисобга олган ҳолда юзаси;

F – режада чангланиш сиртининг юзаси, м^2 ;

$q - K_3 = K_5 = 1$ бўлган ҳолда 1 м^2 ҳақиқий сиртдан чангнинг чиқиши, унинг қиймати 7.10. жадвалдан олинади:

$q - K_3 = K_5 = 1$ – катталигининг қиймати

7.10. жадвал

Тўпланадиган материал	$\text{г/м}^2 \times \text{с}$
Клинкер, шлак	0,002
Чақик тош, қум, кварц	0,002
Марганец, оҳактош, оғарки, цемент	0,003
Қуруқ тупроқ матеиаллари	0,004
Асбест бўлаклари, қумоқ, оҳактош	0,005
Кўмир	0,005

G – қайта ишлов бериладиган материалнинг жами миқдори.

Омборлар ва тўплаш майдонлари чанг ажралишининг текис тақсимланган манбалари сифатида қаралади.

Чангнинг ҳақиқий дисперс таркибини текшириш ва K_2 нинг катталигини аниқлаштириш чангиётган объект чегарасида ҳаво чангидан шамол намуна олиш томонига тезлиги 2 м/с билан эсаётган ҳолда, намуна олиш билан амалга оширилади.

Чанг чиқарувчи материалларни қайта тўкиш

Сочилувчан материалларни қайта тўкиш, материалларни очиқ вагон ва ярим вагонларга юклаш, грейфур билан материалларни бункерга ортиш, автомобиллардан бункерларга юкни тушириш очиқ оқим билан материалларни омборларга тўкиш ва шу кабилар кўп миқдорда чанг чиқарувчи ташкиллаштирилмаган манбалар ҳисобланади.

Бу манбаларнинг барчасидан чанг ажралишини қуйидаги формула бўйича ҳисоблаш мумкин:

$$q = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_7 \times B \times G \cdot 10^6 / 3600$$

K_1, K_2, K_3, K_4, K_5 – юқоридагига ўхшаш аниқланади.

B – материални тўкиш баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент, унинг қиймати 7.11. жадвалдан қабул қилинади:

B – катталик материални тўкиш баландлигига боғлиқлиги

7.11. жадвал

Материални тўкиш баландлиги, м	B
0,5	0,1
1,0	0,5
2,0	0,7
4,0	1,0
6,0	1,5
8,0	2,0
10	2,5

G – тўкиш тугунининг унумдорлиги.

Амалиётда кўп фойдаланиладиган асфальт аралаштиргичларда қўлланиладиган газ тозалаш қурилмаларининг асосий кўрсаткичлари

7.1. жадвал

Зарарли моддаларни ажратувчи манбалар		Чанглarning тозалаш давригача бўлган конц (C _n) г/м ³	Чанг тозалаш қурилмалари		Тозалаш даражаси (τ), %	Зарарли моддаларни чиқарувчи манба	Чиқарувчи манба харак-теристикаси		Чиқарилма манбасидан чиқишда газ ҳаво аралашмасининг кўрсаткичлари					Чангнинг атмосферага чиқиш микдори (q), г/с
Асфалт аралаштир-гичларнинг турлари	Фойдали иш коэфф. ФИК (В), т/соат		Тозалаш даражаси	Чанг тозалаш қурилмаларининг характеристикаси			Баландлиги (Н), м	Қувур диаметри (Д), м	Тезлиги (W), м/с	Ҳажми (V), м ³ /с	Ҳарорати, (t) °С	Чанг тозалангани-дан сўнги конц. г/м ³		
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	14	
Г-1	20	20	I	ЦН-15У нусхали циклонли тутун ютувчи чанг тутгич ДП-10А	90	кувур	20	70	7,2	2,8	110	2,0	5,6	
ДС-158	45	115	I	Тўғри ўқли циклон	35						175	75		
				75	II	Циклон гуруҳи СЦН-40 (4 дона)	95					3		
			3	III	Зарбли усулда ишлай-диган нам чанг тутгич	70	кувур	19,4	0,8	6,2	3,1	70	0,9	2,75
СИ-601	50	35	I	Тутун ютувчи чанг тутгич ДП-10А циклон билан ЦН-15У д-450мм	90					110	3,5			
			3,5	II	Зарбли усулда ишлай-диган нам чанг тутгич	90	кувур	20	0,8	7,8	9,0	70	0,95	1,4

[illegible]

Д-617-2	50	11,3	II	ГАЗ, Д-650 мм 8 дона	85	кувур	18,5	1,0	7,0	5,5	75	1,69	9,3
		34	I	ротоклон ЦН-15У, Д-650 мм	72								
				русумли циклонли ютиувчи чанг тутгич билан ДП-12									
		95	II	Циклонлар гуруҳи СЦН-40, Д-100 мм 4	93	кувур	18,5	0,9	13,7	8,3	150	0,67	5,5
				дона									
ДС-117-2Е	35	88	I	Тўғри ўқли циклон, Д-700 мм	38						150	55	
		55	II	Ютувчи чанг тутгичлар ДП-10А ЦН-15У	67							18	
				русумли циклон билан									
		18	III	Циклонлар гуруҳи СЦН-40 4 дона	90	кувур	19,4	0,75	7	2,8	6,3	1,8	5,0
ДС-117-2К	36	64	I	Тўғри ўқли циклон, Д-700	40						170	38	
		38	II	Циклонлар гуруҳи СЦН-40 4 дона	95							1,9	
		1,9	III	Зарбли усулда ишлайдиган нам чанг тутгич	65	кувур	19,4	0,8	6	3,3	70	0,67	2,2

**Асфальт ишлаб чиқариш корхонасининг атмосфера ҳавосини
ифлослаши жиҳатидан қисқача технологик маълумоти.**

Асфальт ишлаб чиқариш корхонаси ҳудудида қуйидаги бўлим ва цехлар
мавжуд:

- Маҳсулот қабул қилиш бўлими;
- Майдалаш бўлими;
- Тельтомат асфальт қориш цехи;
- Очиқ ва ёпиқ омборхоналар;
- Ёкилғи омбори;
- Пайвандлаш бўлими;

Таҳлиллар натижаси шуни кўрсатадики атмосферага аорганик чанг инерт материалларни қабул қилиш, сақлаш ва узатиш, майдалаш бўлимида йирик материалларни йирик ва майда бўлақларга бўлиш, узатувчи мослама (транспортёр) орқали узатиш, тельтомат асфальт қориш ускунасида аралаштириш жараёнларида ҳосил бўлади. Углерод оксиди, азот оксиди ва бензапирен битум эритиш ва қиздириш, иссиқ асфальт тайёрлаш жараёнларида, углеводород битум сақлаш ҳовузида битум сақлаш, нефт маҳсулотларини сақловчи сиғимларнинг герметик маҳкам бўлмаган жойларидан, сиғимларда босимнинг ошишидан, нефт маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш ва тарқатиш жараёнлари натижасида ҳосил булади. Пайванд чанги ва марганец оксиди электропайвандлаш ускунаси орқали пайвандлаш ишларини бажариш жараёнларида ҳосил булади.

**Корхонадаги техник жиҳозлар ва бошқа қурилмалар тўғрисида
қисқача маълумот.**

т/р №	Технологик жиҳозлар номи	Сони
1	Қабул қилувчи идиш (бункер)	1
2	Тельтомат асфальт қориш қурилмаси	1
3	Узатувчи мослама узунлиги 24 м, кенглиги 1,2	4
4	Йирик майдалаш ускунаси Элак (СИТО)	1 1
5	Майда бўлақларга майдалаш ускунаси Элак (СИТО)	1 1
6	Узатувчи мослама узунлиги 16 м, кенглиги 1,2 м	4

7	Тельтомат бункери ва узатувчи ускунаси	2
8	Битум эритиш қозонлари	3
9	Битум қиздириш қурилмаси	1
10	Пайвандлаш ускунаси	1
11	Ёкилғи сақлаш сиғимлари бензин учун 5 м ³	1
	Дизел ёкилғиси учун 10 м ³	1
	Жами	23

Корхонадаги атмосфера ҳавосига ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манбалардан ташланадиган ифлослантирувчи моддалар 8 хил бўлиб, ялпи миқдори 91,930677 тн/йил, ингдриентлар бўйича қуйидагича:

- Аноорганик чанг - 75,36 тн/йил, 81,97 %;
- Углерод (карбон) оксиди - 6,89 тн/йил, 7,495 %;
- Азот оксиди - 1,384 тн/йил, 1,505 %;
- Бензапирен - 0,000017 тн/йил, 0,00002 %;
- Углеводород - 8,2892 тн/йил, 9,02 %;
- Мой буғи - 0,0003 тн/йил, 0,0003 %;
- Пайванд чанги – 0,0063 тн/йил, 0,007 %;
- Марганец оксиди – 0,00086 тн/йил, 0,0009 %;

Қаттиқ ифлослантирувчи моддалар миқдори – 75,3663 тн/год (81,98%), газ ва суюқ моддалар миқдори 16,564377 тн/йил (18,02 %)

**АТМОСФЕРАГА ТАШЛАНАДИГАН ИФЛОСЛАНТИРУВЧИ МОДДАЛАР МИҚДОРИНИНГ
ТАҚСИМЛАНИШИ ҚУЙИДАГИЧА:**

№	Номи	Тн/йил	%	Манбалар сони.
1	Асосий ишлаб чиқариш бўлимлари	91,914017	99,982	13
2	Ёрдамчи иншоатлар	0,01666	0,018	2
	ЖАМИ:		100,0	15

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи ускуна ва қурилмалар.

1-сонли манба.

Маҳсулот (тош) қабул қилиш идиши (бункер).

Атмосферага ифлослантирувчи модда, яъни анорганик чанг чиқарувчи манба ташкиллаштирилмаган манба ҳисобланади. Ҳаво ҳарорати $T = 24\text{ }^{\circ}\text{C}$

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3\text{ м}$, диаметри $D = 0,5\text{ м}$.

Маҳсулот (тош)ни автотранспортлардан тўкиш, бульдозер ёрдамида бункерга суриш, узатиш жараёниларида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Тезлик – $3,8\text{ м/с}$, ҳажми – $0,745\text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.4. бандига асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангнинг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$q = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_7 \times B \times G_{\text{п}} \times 10^6 : 3600, \text{ г/сек}$$

Бу ерда: $G_{\text{п}}$ - материални тўкиш самарадорлиги, тн/соат;

B – материал тукиш баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент B коэффициент “Йурикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.19. жадвалига асосан қуйидагича қабул қилинди $B = 0,8$;

K_1 – материалдаги чанг заррачаларининг оғирлик улуши, K_2 – каттик ҳолатига ўтувчи чанг заррачалари улуши, $K_1 = 0,01$, $K_2 = 0,03$;

K_3 - жойнинг метеорологик шароитини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_3 = 1,2$;

K_4 – жойнинг атрофи беркитилганлигини ҳисобга олувчи коэффициент, “Йурикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.15. жадвалидан олинади – 1 га тенг;

K_5 – материалнинг намлигини ҳисобга олувчи коэффициент “Йурикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.16. жадвалидан олинади – 0,8 га тенг;

K_7 – материалнинг ўлчамига боғлиқ коэффициент “Йурикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.17. жадвалидан олинади – 0,1 га тенг.

$$q = 0,01 \times 0,03 \times 1,2 \times 1 \times 0,8 \times 0,1 \times 0,8 \times 40,0 \times 10^6 : 3600 = 0,26 \text{ г/с.}$$

Чангнинг ялпи йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M = 0,26 \times 3600 \times 3360 : 1000000 = 3,14 \text{ тн/йил.}$$

$T = 3360$ соат/йил – манбанинг йиллик иш вақти, $3600 - 1$ соатдаги секундлар.

№2 манба.

Материал (тош)ни узатиш қурилмаси(транспортёр).

Узунлиги 24 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3$ м, диаметри $D = 0,5$ м. Ҳаво ҳарорати $T = 24$ °С. Тезлик – 3,8 м/с, ҳажми – $0,745 \text{ м}^3/\text{сек.}$

Маҳсулот (тош)ни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2$ м.

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $28,8 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 28,8 \times 10^3 = 0,104 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320$ соат/йил.

$$M_q = 0,104 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,62 \text{ тн/йил.}$$

№3 манба.

Материал (тош)ни узатувчи 2-чи қурилма (транспортёр).

Узунлиги 20 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3$ м, диаметри $D = 0,5$ м. Ҳаво ҳарорати $T = 23$ °С, тезлик – 3,8 м/с, ҳажми – $0,745 \text{ м}^3/\text{сек.}$

Маҳсулот (тош)ни транспортер ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V – чанг ажралиб чиқаётган юза – 24 м^2

$$Q = 0,0000036 \times 24 \times 10^3 = 0,086 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320 \text{ соат/йил.}$

$$M_q = 0,086 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,34 \text{ тн/йил.}$$

№4 манба.

Материал (тош)ни узатувчи 3-чи қурилма (транспортер).

Узунлиги 22 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3 \text{ м,}$ диаметри $D = 0,5 \text{ м.}$ Ҳаво ҳарорати $T = 23 \text{ }^\circ\text{C.}$ Тезлик – $3,8 \text{ м/с,}$ ҳажми – $0,745 \text{ м}^3 / \text{сек.}$

Маҳсулот (тош)ни транспортер ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $26,4 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 26,4 \times 10^3 = 0,095 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори куйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил};$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320$ соат/йил.

$$M_q = 0,095 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,48 \text{ тн/йил.}$$

№5 манба.

Материал (тош)ни узатувчи 4-чи қурилма (транспортёр).

Узунлиги 20 м , кенглиги $1,2 \text{ м}$.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари куйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3 \text{ м}$, диаметри $D = 0,5 \text{ м}$.

Махсулот (тош)ни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 22 \text{ }^\circ\text{C}$. Тезлик – $3,8 \text{ м/с}$, ҳажми – $0,745 \text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангнинг миқдори куйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с}$.

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м}$.

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – 24 м^2

$$Q = 0,0000036 \times 24 \times 10^3 = 0,086 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори куйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил};$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320$ соат/йил.

$$M_q = 0,086 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,34 \text{ тн/йил.}$$

№6 манба.

Материал (тош)ни йирик бўлақларга бўлувчи майдалаш қурилмаси ва элак.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 4$ м, диаметри $D = 0,5$ м.

Маҳсулот (тош)ни майдалаш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 22$ °С. Тезлик – 4,2 м/с, ҳажми – $0,824 \text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангнинг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = \frac{B \times Y}{100}, \text{ тн/йил.}$$

Бу ерда: B – материал миқдори $B = 2400$ тн.

Y – Табиий йуқолиш, % $Y = 0,3-0,5$;

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$Q = \frac{2400 \times 0,5}{100} = 12 \text{ тн тн/йил.}$$

Вакт бирлиги ичидаги чангнинг миқдори қуйидагига тенг:

$$B = Q \times 1000000 : T : 3600 \text{ г/сек.}$$

$$B = 12 \times 1000000 : 4680 : 3600 = 0,712 \text{ г/сек.}$$

№7 манба.

Материал (тош)ни майда бўлақларга бўлувчи майдалаш қурилмаси ва элак.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 4$ м, диаметри $D = 0,5$ м.

Маҳсулот (тош)ни майдалаш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 25$ °С. Тезлик – 4,2 м/с, ҳажми – $0,824 \text{ м}^3/\text{сек}$.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангнинг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = \frac{B \times Y}{100}, \text{ тн/йил.}$$

Бу ерда: B – материал миқдори B = 2400 тн.

Y – Табиий йуқолиш, % Y = 0,3-0,5;

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг ялпи миқдори қуйидагига тенг:

$$Q = \frac{2400 \times 0,3}{100} = 7,2 \text{ тн тн/йил.}$$

Вакт бирлиги ичидаги чангнинг миқдори қуйидагига тенг:

$$B = Q \times 1000000 : T : 3600 \text{ г/сек.}$$

$$B = 7,2 \times 1000000 : 4680 : 3600 = 0,427 \text{ г/сек.}$$

8-сонли манба.

Тельтомат асфальт тайёрлаш усқунасига маҳсулот етказиб бериш идиши (бункер).

Атмосферага ифлослантирувчи модда, яъни анорганик чанг чиқарувчи манба ташкиллаштирилмаган манба ҳисобланади.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги H = 4 м, диаметри D = 0,5 м. Ҳаво ҳарорати T = 25 °C. Тезлик – 4,2 м/с, ҳажми – 0,824 м³/сек.

Маҳсулот бункерга узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.4. банди асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$q = K_1 \times K_2 \times K_3 \times K_4 \times K_5 \times K_7 \times B \times G_{\text{п}} \times 10^6 : 3600, \text{ г/сек}$$

Бу ерда: $G_{\text{п}}$ - материални тўкиш самарадорлиги, тн/соат;

B – материал тукиш баландлигини ҳисобга олувчи коэффициент B коэффициент “Йўрикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.19 жадвалига асосан қуйидагича қабул қилинди $B = 0,8$;

K_1 – материалдаги чанг заррачаларининг оғирлик улуши, K_2 – қаттиқ ҳолатига ўтувчи чанг заррачалари улуши, $K_1 = 0,01$, $K_2 = 0,03$;

K_3 - жойнинг метеорологик шароитини ҳисобга олувчи коэффициент, $K_3 = 1,2$;

K_4 – жойнинг атрофи беркитилганлигини ҳисобга олувчи коэффициент, “Йуриқнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.15 жадвалидан олинади – 1 га тенг;

K_5 – материалнинг намлигини ҳисобга олувчи коэффициент “Йўрикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.16. жадвалидан олинади – 0,7 га тенг;

K_7 – материалнинг ўлчамига боғлиқ коэффициент “Йўрикнома”нинг 1.4. иловаси 1.4.17. жадвалидан олинади – 0,5 га тенг.

$$q = 0,01 \times 0,03 \times 1,2 \times 1 \times 0,7 \times 0,5 \times 0,8 \times 15,0 \times 10^6 : 3600 = 0,42 \text{ г/с.}$$

Чангнинг ялпи йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M = 0,42 \times 3600 \times 3120 : 1000000 = 4,72 \text{ тн/йил.}$$

$T = 3120$ соат/йил – манбанинг йиллик иш вақти, 3600 – 1 соатдаги секундлар.

№9 манба.

Материал (тош)ни «Тельтомат» асфальт қориш ускунасига узатиб берувчи 1,2-курилмалар (транспортёр).

Узунлиги 14 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3$ м, диаметри $D = 0,5$ м.

Маҳсулот (тош)ни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Ҳаво ҳарорати $T = 24$ °С. Тезлик – 4,1 м/с, ҳажми – 0,805 м³/сек.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни

меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангининг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $16,8 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 16,8 \times 10^3 \times 2 = 0,06 \times 2 = 0,12 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320 \text{ соат/йил.}$

$$M_q = 0,12 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,87 \text{ тн/йил.}$$

№10 манба.

Материал (тош)ни «Тельтомат» асфальт қориш ускунасига узатиб берувчи 3,4-курилмалар (транспортёр).

Узунлиги 12 м, кенглиги 1,2 м.

Ташкиллаштирилмаган манба параметрлари қуйидагича қабул қилинди: манба баландлиги $H = 3 \text{ м,}$ диаметри $D = 0,5 \text{ м.}$ Тезлик – $4,1 \text{ м/с,}$ ҳажми – $0,805 \text{ м}^3 / \text{сек.}$

Маҳсулот (тош)ни транспортёр ёрдамида узатиш жараёнида атмосферага анорганик чанг ажралиб чиқади. Хаво ҳарорати $T = 24 \text{ }^\circ\text{C}$

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи асосан атмосферага ташланадиган анорганик чангнинг миқдори қуйидагича ҳисобланди:

$$Q = W_c \times V, \text{ г/сек.}$$

Бу ерда: $W_c = B \times \chi$ чангнинг солиштирма миқдори $W_c = 3 \times 10^{-5} \times 1,2 \times 0,1 = 0,0000036 \text{ кг/м}^2 \text{ с.}$

B – конвейр кенглиги $B = 1,2 \text{ м.}$

V - чанг ажралиб чиқаётган юза – $14,4 \text{ м}^2$

$$Q = 0,0000036 \times 14,4 \times 10^3 \times 2 = 0,052 \times 2 = 0,104 \text{ г/сек}$$

Атмосферага ташланаётган анорганик чангнинг йиллик миқдори қуйидагига тенг:

$$M_q = Q \times T \times 3600 : 1000000, \text{ тн/йил;}$$

Бу ерда T – манбанинг бир йилдаги иш вақти $T = 4320$ соат/йил.

$$M_q = 0,104 \times 4320 \times 3600 : 1000000 = 1,62 \text{ тн/йил.}$$

11-сонли манба.

Тельтомат асфальт қориш ускунаси.

Атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарувчи манба “Тельтомат” асфальт қориш ускунасига уланган 4 дона СЦН-40 чанггаз тозалаш ускуналари ҳисобланади.

Манба ташкиллаштирилган манба,

Баландлиги $H = 8,2$ м, кўндаланг кесим юзаси (диаметри) $D = 0,52$ м.

Иссиқ асфальт тайёрлашда табиий газдан фойдаланилган. Манбанинг йиллик иш вақти 4320 соат. Табиий газнинг йиллик сарфи 480 минг м^3 .

Табиий газ ёниши натижасида атмосфера ҳавосига углерод (карбон) оксиди ва азот оксиди ва бензапирен ажралиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 3 январда 1533-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги корхоналарда атмосферага ифлослантирувчи моддалар чиқарадиган манбаларни ҳисобга олиш ва ифлослантирувчи моддаларни меъёрлаштириш йўриқномаси”нинг 1-илоvasи 1.13. бандига асосан атмосферага ташланадиган углерод (карбон) оксиди ва азот оксиди миқдори қуйидагича ҳисобланди:

Табиий газнинг ҳақиқий сарфи қуйидагича – $480000 \text{ м}^3/\text{йил}$ ёки – $0,031 \text{ г/сек.}$

Табиий газнинг зичлиги – $0,723 \text{ кг/м}^3$

